

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси



ХУНАРНИНГ НОНИ ШИРИН

- Кўчамизда Ҳакимжон ака деган атласчи хунарманд яшар эди. У киши ишга "Волга" автомашинасида қатнардди.

10-11 ёш бўлсам керак. Машинадан жугут атлас кўйлак кийиб, узун сочларини иккита қилиб ўрдириб олган хотинлари тушса, ич-ичимдан ҳавас қилардим. "Мен ҳам катта бўлсам, ана шундай бой-бадавлат, иззат-икромда яшасам", дердим.

Сухбатдошим Ҳакима опа бу сўзларни кўзлари ёниб, чин кўнгилдан сўзларди. Ха, ростдан ҳам у ниятига етди. Қўшилари Инобат опа уни келин қилганида Ҳакимахон жуда ёш, анча эрка қиз эди. Лекин кўнгли тоза, ялқовлики билмагани учун янги хонадонда кўпам қоқилмади. Уч овсин битта ҳовлида яшашар, йигирма-йигирма беш киши бир қозондан овқат ейишарди.

Қайнонам нимагадир мени яхши кўрардилар. Пиширган овқатим у кишига жуда ҳам ёқарди. Умрларининг охириги йиллари ётиб қолдилар. Ана шунда ҳам: "Менга Ҳакимахон қарасин", деб туриб олдилар. У кишининг дуолари теккани шу бўлса керак.

Турмуш ўртоғим мебел фабрикасида оддий уста эдилар. Олган маошлари учма-уч етарди. Кейин сопол чиқарадиган цехга ўтдилар. Болалар кўпайгач, ҳовли олишга қўрбимиз етмай, кичкинагина "дом"га кўчиб ўтдик.

Эримнинг ишдан келишларига ҳамма нарса мухайё турарди. Худди меҳмондек кутиб олардим. Овқатланиб бўлганларидан кейин нималарнидир ўйлар, ёзиб-чизар эдилар. Ўшандаги кунни тунга, тунни тонга улаб қилган меҳнатлари уй шароитида чинни идиш ишлаб чиқариш цехини барпо этиш экан.

Яратилган ихтиро тўсиқларга ҳам учради. Аммо мустақиллик шарофати, яхши инсонларнинг кўмаги билан ишимиз юришиб кетди. 1995 йили уйимизда цех қурдик.

Ростдан ҳам Неъматжон ака тўхтамай изланди, ўрганди. Яратган ихтироси панд бериб қўймаслиги учун

ўзи енг шимариб ишга тушди. Оила аъзолари билан қум элаб, лой қориди. Ўзи печка ичига кириб пиёла, чойнақларни пиширди. Гул чизди. Ана шундай ҳалол меҳнатлари рўёбга чиқди.

Неъматжон ака бугун юз нафар хунармандга бош бўлиб турибди. Ўн икки нафар уста, ўттиздан ортиқ шоғирдларга касб сирларини ўргатапти.

- Биз иложи борица кам таъминланган, шароити огир қўшилари ишга олаёلمиз. Эркинжон деган йигит 9-синфни битириб шоғирд бўлиб келган эди. Бугун у қўли гул уста бўлиб қолди. Гулчехрахон, Малика деган қизлар ҳам 3-4 йилдан бери биз билан бирга. Укам Аҳмадхон энг яхши кўмакчи. Ишлаш учун барча шароит яратилган. Тушлик бепул. 10-20 минг сўмдан маош тўланади...

Бу — Ҳакимахон опанинг сўзлари. Ҳакима опа Неъматжон аканинг иш юритувчисига айланган. Тайёр маҳсулотни миқозларга етказиб беришда энг ақин кўмакчи вазифасини бажараяпти. Кичик ва ўрта бизнеснинг энг нозик қоидаси — бозор ва миқозлар талабини ўрганиш Ҳакима опа зиммасига қўланган.

Неъматжон Солиев ва Ҳакима опа катта қизлари Гулнорахондан уч нафар назира кўришди. Носиржон ота касбини эгаллади. Ҳозир ўзи ҳам алоҳида цех қуриб, фаолият кўрсатмоқда. Шокиржон ҳарбийда. Нигорахон опасига ёрдамчи. Нодира ўқиш билан бирга мусиқа мактабига қатнайдди, тузуқкина чевар бўлиб қолди. Ботиржон ҳали ўқувчи.

Уларнинг ҳар бири меҳнат кўриб катта бўлди, кўзлари пишди. Демак, улар қалбда яратувчилик ишқи шаклланди. Хунарнинг нони ширин, тоғини ҳалол эканини англаб етди. Улар ота-оналари орзу қилганларидек Наманганда катта чинни заводи қуришни, Неъматжон аканинг ёнига кириб, қанот бўлишни ният қилишган.

Дилбар ҲАЙДАРОВА
Наманган шаҳри

ЭГАМЕНЛИК ФАХРИ

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ХОТИРА МАЙДОНИДАГИ СУХБАТИНИ ТИНГЛАБ...

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу йил 9 май кунини Хотира майдонида таширф буюрганида бир гуруҳ зиёлилар билан суҳбатда бўлди. Мен бу ҳаяжонли ва таъсирли суҳбатдан шундай хулоса чиқардимки, юртбошимиз ўзи ўтказётган ташқи ва ички сиёсатнинг мазмун-моҳияти юзасидан халқнинг илғор вакиллари — зиёлилар билан сидқидилдан фикрлашиб олди. Назаримда бу расмий эмас, балки жуда самимий, эркин ва ҳолисона суҳбат бўлди. Бу байрам руҳига, сўз эркинлиги ва фикр эркинлиги руҳига мос тушди.

Президентнинг мазмунли суҳбати сиёсий шарҳловчи сифатида менда ҳам фикр уйғотди. Айниқса, у кишининг мустақил давлат мустақил сиёсат юритиши зарурлиги ҳақида айтган гапларига муносабат билдирмаслик мумкин эмас. Кузатишларимиздан шу нарса маълумки, юртбошимиз ўн бир йилдан бери мустақил сиёсат юритиш принципига қатъиятлик ва изчиллик билан амал қилиб келаяпти. Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори тез ошиб бораётгани боиси шундан. Жаҳондаги деярли барча тараққий этган давлатлар бизни ишончли ҳамкор деб билмоқда. Бизнинг улар билан нафақат иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлигимиз, балки сиёсий алоқаларимиз ҳамда жаҳоннинг кун тартибидеда турган энг долзарб масалалар юзасидан маслаҳатлашувларимиз ҳам мустаҳкамланиб, янги мазмун билан бойиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг энг нуфузли аъзоларидан бирига айланиб қолди.

Ўзбекистон раҳбари ташқи ва ички сиёсатга дахлдор ҳар қандай масалада биринчи навбатда давлатимиз, халқимиз, тинчлигимиз, эртанги кунимиз манфаатини кўзлаб қарор қабул қилаётганлигини кўриб, билиб, англаб турибмиз. Бу ҳолат, айниқса, зиёлиларда фахр-ифтихор туйғусини уйғотмоқда. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида хавфсизлиқни таъминлашдаги саъй-ҳаракатлари, халқаро терроризмга қарши курашдаги тақлифлари ва ташаббуслари, Афғонистондаги аксил-террор амалиётларида тутган йўли ҳаммиса жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборида бўлди ва бутун дунёнинг кўз олдида синовдан ўтди. Аслида бу ёш Ўзбекистон давлати ташқи сиёсатининг галабаси эди. "Неча йилдан бери бошимизга қора қўланка солиб турган кучларнинг пайи қирқилди, - деди Юртбошимиз Хотира майдонида зиёлилар билан бўлган суҳбатда ва оғохлантириб деди: - Аммо бир зум бўлсин, биз бепарво бўлмаслигимиз керак".

Агар биз Ўзбекистонга ҳамма ҳавас кўзи билан қараяпти десак, хато қиламиз. Бизга ҳасад қилувчилар ҳам бор. Айниқса, ташқи сиёсатдаги хати-ҳаракатларимизга соя солмоқчи бўлаётганлар ҳам йўқ эмас. Кейинги пайтда улар негадир Ўзбекистон

"иттифокдош республика" эмас, балки мустақил давлат эканлигини, энди ўз манфаатидан келиб чиқиб мустақил сиёсат юритишга ҳақли эканлигини унутиб қўйишди. Ўзбекистоннинг қайси давлат билан, қандай соҳаларда, қай даражада ҳамкорлик қилиши — бу унинг ички иши. Энг муҳими, бу ҳамкорлик учинчи бир давлатга зарар етказмас бўлгани. Президент зиёлилар билан суҳбатда номинтақавий кучлар ҳақида тарқалаётган гапларга алоҳида ургу берганлиги боиси шундан. Бу масалада ҳатто яқинда Германия Федератив Республикаси федерал канцлерининг Ўзбекистонга расмий таширфи муносабати билан Тошкентда ўтказилган матбуот анжуманида ҳам ҳар иккала давлат раҳбарига илмоқли саволлар беришди. Президент Ислам Каримов ўзининг лўнда ва аниқ жавоби билан ташвишланганларни бироз бўлса-да, тинчлантириб қўйди.

Мустақил ташқи сиёсатнинг тарихий ва дунёвий аҳамиятини ҳамма ҳам тўғри англаб етатвермайдди. Бунинг учун дунё сиёсий ҳаётини мунтазам кузатиб бориш ва турли давлатларнинг турлича вазиятларда қандай йўл тутганликларини қиёслаб, сўнг хулоса чиқариш зарур. Бўлмаса сиёсий сафсатанинг, тилғламлиқнинг, мунофиқликнинг қурбони бўласиз. Жумладан, бир пайтлар толибонлар ҳукумати билан оғиз-бурун ўпишган давлатлардан бири бугунги кунда ўзини халқаро терроризмга қарши курашчи сифатида намоён этишга уринмоқда. Бу билан жаҳон жамоатчилигини қалғитиб бўлмайди. Мунофиқона сиёсат вақти келиб панд беради. Халқаро терроризмга қарши биргаликда кураш масаласида Ўзбекистон танлаган йўл тўғри эканлигини ҳаёт кўрсатди. Буни бир қанча давлатларнинг раҳбарлари ҳамда таниқли сиёсатчилар эътироф этишди.

Очигини айтсак, 9-Майнинг Хотира ва Қадрлаш кунини сифатида нишонланиши ҳам мустақил сиёсатнинг меваси. Биз қарийб бир ярим миллион забардаст ўғлонларимиз — мажбурий равишда сафарбар этилган уруш қурбонларини ҳурмат билан хотирлаб, тирикларни қадрлаш маросимларини байрамона руҳда нишонланганимизда айрим собиқ мустақил республикаларда ҳарбий парадлар ўтказилиб, қуролли кучларнинг жанговарлиги намоён қилинди. Ахир бунда мантик йўқ-ку? Мустақил давлат байрам кунини қандай қилиб мустақилла нагорасини қоқиши мумкин? Ана шундай ҳолатларни кўриб, уларни ўзимизга қиёслаб экансиз шубҳасиз, Ўзбекистон раҳбари танлаган йўл ва у юртаётган мустақил сиёсатнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигига ана бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Бу ишонч қар биримизда шу юртга эгаменлик фахрини, ифтихор туйғусини кучайтиради.

Иброҳим НОРМАТОВ
"Туркисон-пресс"

Яқинда Фарғона шахрида "Фарғона вилояти хотин-қизларнинг репродуктив соғлиғи ва репродуктив ҳуқуқлари" мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва аёллар муаммолари Комиссияси, АҚШ Халқаро Тараққиёт агентлиги Здрав Плюс лойиҳаси, Винрок Интернэшнл "Хотин-қизларнинг интеграциялашган ҳуқуқий саводхонлиги" лойиҳаси, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорликда тайёрлаб ўтказган бу халқаро анжуманда оила ва жамият фаровонлиги, мустақамлиги, барқарор тараққиётнинг асоси бўлган аёллар-оналар репродуктив са-

ректори:

- "Нима учун ушбу конференция аynи Фарғона вилоятида ўтказилаяпти?"-деган саволига жавобан айтишим мумкин, бу вилоятда янгиликларни тез ва кенг жорий этилиши учун ижтимоий-маънавий имкониятлар кўпроқ. Тиббиёт ходимлари билан хотин-қизлар кўмиталарининг, нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолларининг ҳамкорлиги яхши самаралар бермоқда. Мана биргина мисол: бундан беш йил муқаддам Бағдод тумани ва Кувасой шахри пилот туманлар сифатида танланиб, у ерларда диарея (ўткир ошқозон-ичак) касалликларини беморни оғиздан сувлантириш йўли ("регидрон" туз-шакар эритмаси) билан даволаш ишлари бошланган эди.

ли: бундан 4-5 йил муқаддам туман юқумли касалликлари шифохонаси ёз ойларида беморларга торлик қилиб қоларди. Кейинги 2-3 йил ичида диарея касаллиги билан оғрийдиганлар кескин камайди, аynи касаллик билан боғлиқ ўлим ҳолати бўлмади. Шунинг учун ҳам бу усул билан даволаниши Фарғона вилояти бўйича татбиқ этилаёмиз. Бағдод тумани ва Кувасой шахри лойиҳа ташаббускорлари томонидан беш йиллик дори-дармонлар билан тўлиқ таъминланган.

Дебора РИД хоним — Винрок Интернэшнлнинг "Хотин-қизларнинг интеграциялашган ҳуқуқий саводхонлиги" лойиҳаси директори:

- Лойиҳамизнинг фаолияти кенгайиб боргани сайин биз бошқарув фаолияти-мизда ва мамлакатнинг чекка минтақалари билан алоқа ўрнатишда самарали усуллари жорий қилишни

Агар оила соғлом ва мустақкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустақкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Ислом КАРИМОВ

ОИЛА МУСТАҚКАМ БЎЛСА...

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 сентябрда бўлиб ўтган ялпи йиғилишида 1994 йилдан бошлаб, ҳар йили 15 Май куни Халқаро Оила куни сифатида нишонлашга қарор қилинди.

15 Май — Халқаро Оила куни

СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

ломатлиги ва репродуктив ҳуқуқлари масалалари муҳокама қилинди, яхши тажри-



М. МИРСОДИКОВ ФОТОЭЪТИДИ

балар ўртоқлашилди, муаммоларнинг ечимлари муҳокама қилинди

Шарифа САЛИМОВА — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Оила ва аёллар муаммолари Комиссияси раиси:

- Репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш — хотин-қизлар ва эркакларнинг, ёшлар ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш демакдир.

Республикамизда ҳомиладор аёлларга, чақалоқларга ва янги туққан оналарга малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб боришмоқда. Ҳар бир вилоятда туғруқхона комплекслари ташкил этилди, туғишга таъйириларли ва туғишдан кейинги реабилитация бўлимлари очилди. Ҳамма жойда замонавий перинатал технология жорий этилмоқда, яъни она ва боланинг доимо биргаликда бўлиши, янги туғилган чақалоқларни илк соатлардан бошлаб кўрак сuti билан боқиш йўлга қўйилмоқда. Қизларни соғломлаштириш, уларни бўлгуви оилавий ҳаётга тайёрлаш учун болалар поликлиникаси қошида гинекология кабинетлари очилган.

Бизнинг комиссиямиз хотин-қизларнинг репродуктив саломатлиги ҳамда ҳуқуқларини яхшилаш ва муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этмоқда. Бугунги конференция ҳам аynи шу масалани кенг ўрганишга ва унга чуқурроқ ёндашишга ёрдам беради.

Аста МАРИЯ КЕННИ хоним — Здрав Плюс лойиҳаси ди-

мўлжаллаёмиз. Айниқса, ҳали бошқа ташкилотлар иш бошламаган минтақаларда ишлашга кўпроқ рағбат билираммиз.

Ўзбекистоннинг шахар ва қишлоқларига кўпроқ сафар уюштироқчмман, айниқса, лойиҳамизга кўмак берган одамлар билан учрашишни истаймман.

Ўғилхон УСМОҒОВА — Тошлоқ тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси:

- Фарзанд кўриш ёшида бўлган аёлнинг ўз соғлигини тиклаши, қачон фарзанд кўриши, агар соғлиғи кўтармаса, ҳомиладор бўлишдан сақланиши каби ҳуқуқлари нафақа унинг эри, балким қайнона, қайнотаси томонидан ҳам тан олингандагина аёл камситилмаган бўлади...

Аёлнинг соғлиғига, айниқса бўлгуси она соғлиғига безътиборлик қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўпчилик тушуниб бораёпти. Шунинг учун ҳам туманимизда қизларни жуда эрта турмушга узатиш, оналар ва болалар ўлими йилдан-йилга камайиб бораёпти. Бу — тиббиёт ходимлари, хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла фаоллари, ҳуқуқ-тартибот ташкилотлари ходимларининг биргаликда олиб борган ишлари самарасидир.

Конференциянинг иккинчи қисми айниқса қизгин ўтди. Гурӯҳларга бўлинган иштирокчилар болалар, ўсмирлар, аёлларнинг репродуктив соғлиғи ва репродуктив ҳуқуқлари билан боғлиқ вазифалар, муаммолар ҳақида фикр-мулоҳазаларини, тақлифларини, ҳаётий қузиатишларидан келиб чиққан хулосаларини ўртага ташладилар. Болаларга ёшлиқларидан бошлаб жинсий тарбия бериш, ёшлар соғлом оила қуришлари учун никоҳдан олдин албатта соғлиқларини текширтиришлари ва зарур бўлса даволанишлари, аёлнинг репродуктив саломатлиги унинг ўз соғлиғига онгли муносабатидан бошланиши, болалар ва оналарнинг репродуктив ҳуқуқларини англатишда шифокорлар, хотин-қизлар фаоллари, ҳуқуқ-тартибот органлари масъуллари, маҳалла кўмиталари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар биргаликда ҳамкорлик қилишлари шартлиги халқаро конференция иштирокчиларининг муштарак хулосалари бўлди.

Мухтарама УЛУҒОВА

Республика "Оила" илмий-амалий маркази ва унинг вилоятлардаги бўлимлари оила муаммоларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш орқали, оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришга оид тавсиялар ишлаб чиқишди. Оилани қўллаб-қўзланган мақсад — барча тараққийпарвар ва тинчликпарвар инсоният диққатини инсон ўз умрини ўтказадиган, ўз орзу умидлари, бахту саодатини ҳамда тинчлигини таъминлайдиган маскан — оиланинг мустақкам бўлишига қаратишдир.

Оила муаммоларига бағишланган биринчи илмий экспедиция Фарбда 1889 йилда бошланган эди. Маълумки, ҳар бир оилда ўзига хос дунё, муносабатлар мавжуд. Унинг ўз аъналари, қадриятлари мавжуд. Илмий натижаларнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, орадан юз йил ўтган, оила масалалари яна долзарб тус олди. БМТ 1994 йилни «Халқаро Оила йили» деб эълон қилди. Бу ташаббус доирасида ўтказилган барча тадбирлар оиланинг давлат ва жамият гамхўрлигига муҳтож эканлигини исботлади.

БМТ оила масалаларини ечишнинг асосан қуйидаги тамойиллар асосида ҳал қилишни тақлиф этади:

- оилавий муносабатларда жинсий тенглик, ўзаро ҳурмат;
- меҳнат фаолиятида аёлларнинг тенг иштироки;
- бола тарбиясида ота-она масъулиятининг баробарлиги;
- ночор ва муҳтож оилаларга доимий гамхўрликнинг кераклиги.

Мустақил Ўзбекистонда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг асл маъноси ҳам оилани, онани, фарзандни ва қарияларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилди. Буни ўтаётган йилларимизнинг номланишидан ҳам англашимиз мумкин — Инсон манфаатлари, Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар, Қарияларни қадрлаш... Президентимиз И.Каримов ташаббуси билан ташкил этилган

кўзлатловчи ташкилотларга ёрдам кўрсатиши, ёшларни истиклол госяи, Ватанига, оиласига, маҳалласига ҳурмат руҳида тарбиялашни ўзининг бирламчи вазифаси, деб билади.

Халқаро Оила куни арафасида Марказнинг илмий ходимлари анъанага кўра, республикамизнинг турли ташкилот ва идораларида кенг қамровли тадқиқотлар ҳам ўтказди. Ваҳоланки, Ўзбекистон оилаларининг мустақкамлиги борасида ютуқлар ҳам, муаммолар ҳам кам эмас. Ҳукуматимизнинг аёллар ва ўсиб келаётган авлод саломатлигини яхшилаш борасидаги гамхўрлиги сабабли, чақалоқлар ўртасидаги ўлим қўрсаткичлари сезиларли камайди. Туғиш ёшидаги аёллар ўртасида ўлим камайди. Ёшларнинг, улар ота-оналарининг оила ва никоҳ масалаларига муносабатлари ҳам ўзгарди. Оила барқарорлигини кафолатловчи қонунлар ва меъёрлар ҳаётимизга сингиб бормоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, ҳар йили юртимизда 160—170 мингдан зиёд никоҳ қайд этилади. Бу эса, ҳар 1000 аҳолига 6,8 тадан янги оила туғри келади, дегани. Ҳар бир оиланинг ўзига яраша қувончу ташвишлари бўлиб, барча соғлом фирловчи инсониятнинг фикру ўйи оиладаги ташвишларни камайтириб, никоҳни муқаддас қадриятга айлантиришдир. Бу эзгу истак бутун дунё инсонпарвар кучларининг ягона мақсади бўлиб, бу борада айниқса, Ўзбекистоннинг тажрибаси таҳсинга лойикдир.

Васила КАРИМОВА, Республика "Оила" илмий-амалий маркази директори, профессор



Райхон Ибодуллаева (сувратда — ўнгдан биринчи) узоқ йиллар Яккабўғ туман халқ маорифи соҳасида ишлади. Уч нафар фарзандни тарбиялаб элга қўшди. Қизлари — Гулжаҳон, Лайло унинг касбини давом эттиришмоқда. Бугунги кунда 12 набиранинг сеvimли бувижониси у.

М. КУРБОНОВА

Умрим
бўйи кўп
оилаларда

Қайноналар мактаби

Қўқон шаҳридаги Боғу бўстон кўчасида яшовчи қайнона Азизахоним Абдуллаеванинг иш тутишига ҳавасим келди. Доим келини ёнида, мисоли қайнонанинг ўнг қано-ти у. Хар бир ишда маслаҳат-гўйи, суянчиги. Биргаликда

батлашсам, нималарнидир ола-ман, нималарнидир ўргана-ман, ундан. Гарчи уй бекаси бўлса-да, уйингизга келган хар кан-дай касб эгаси, у олимми, ёзув-чим, ё чет эллик меҳмонми, гап топиб гаплаша олади-я. У учча-ла фарзандига тарбия бериш-да ҳам, уйни озода тутишда, пишиқ-пухталигу пазандалиги-да сизнинг ўргатганларингиз-га амал қилади. Хуллас, сизнинг барча иш тути-шингизни, зукко-

га эга, да-дил. Мен ҳам у билан суҳ-

КЕЛИН БИЛАН ДЎСТ ТУТИНИНГ



лигингизни, муомалангизни олган-қўйган.

Нимасини айтасиз, қайнона мисоли ўқитувчи экан-да келинга, гўё. Алифбедан тортиб, муқаддас Қуръони Каримгача ўргатгандай, талабчанлик билан устозлик қилиш керак экан. Ўзим нима билсам, эринмай ўргатдим. Лекин келиннинг ўзи-да ҳам бўлиши керак-да. Кели-ним аввало ўз уйида бувисининг тарбиясини олган тий-раккина, абжиргина қизлардан. Мен ҳам уни биттагина кели-ним деб эркалатмадим. Ёки, "келин бўлгандан кейин қил-син-да", деб ҳамма ишни унга ташлаб қўймадим. Меъёрни сақладим.

Мана, ҳозир ўқитувчилик ишимдан пенсияга чиққач, раҳ-матлик Нуруллохон акамлар-нинг тадбиркорлик ишларини давом эттира бошладим. Яна ёнимда Мухтасархон яқин мас-лаҳатгўйи, суянчик. Қизларимни, қудаларни, дўстларни йўқлаб борадиган бўлсам ҳам, меҳмон кутиб оладиган бўлсам ҳам хар гал Мухтасархон билан масла-ҳатлашиб оламан. Шу баҳона-да ўргансин, кўзи пишиб бор-син, дейман-да.

Келинимни мен гап қайтар-масликка, аразламасликка ўргатганман. "Ўғлингиз бор, қизингиз бор. Сиз ҳам бир кун қайнона бўласиз, қизим, шу-нинг учун гоҳо баъзи ишларин-гиздан хафа бўлиб, жаҳл усти-да у-бу, деб юборсан, аразлаб, ё гап қайтариб юрманг, ҳўпми? Индамай хонангизга кири-н, бироз дам олинг, ёки бўлмаса жиндек кўз ёши қилиб хумор-дан чиқинг-да, кейин яна хузур-римга келиб: "Чой дамлайми, ая?" деб қулиб, гапириб кета-веринг, олам гулистон! - деб тайинлайман. Мухтасархон гап-ларимни қулоғига олади. Қиз-ларим Соҳибахон, Иродахон ва набираларим келишганда, умум-ман барча меҳмонларни қулиб-яшнаб, ҳамиша очик чехра би-лан қаршилаб, улардан меҳри-ни, хизматини асло дариг тут-майди.

Шунчалар меҳрибон, ақлли, мени тушунадиган келиним, дўстим борлигига шукр қила-ман. Бундай шукроналикни барча қайноналарга раво кўра-ман...

Ха, Азизахону Мухтасархонлар билан учрашувим ва уларнинг мазмунли, мароқли ҳаётлари, самимий муносабатлари, суҳ-батлари дилимга қувонч ба-ғишлади.

Санъат МАХМУДОВА

Газетхон иқрори

МЕҲРУ ВАФОЛИСАН ЎЗБЕК АЁЛИ

Мен ўқиётган тарбия даргоҳи кам таъмин-ланган, кўп болали оилаларнинг фарзанд-лари учун мўлжалланган. Бу ерда яшаш ва ўқиш учун барча шароитлар етарли. Макта-бимиз ўқувчилари бошқа рўзномалар каби «Оила ва жамият» рўзномасига ҳам обуна бўлишган. Рўзноманинг хар сонини инти-зорлик билан кутамиз. Унда нашр этилаёт-ган ҳикматли сўзлар, ҳаётий тажрибалар асосида ёзилган мақолалар, шеърларни севиб ўқиймиз ва ўзаро баҳс-мунозаралар ўтказамиз. Мен бу газетани "сеvimли рўзномам", деб биламан ва унинг ашаддий мухлисиман.

Айниқса, рўзноманинг хар бир сониди нашр этилаётган таниқли шоира Турсуноӣ Соди-қованинг мақолалари ("Ўғлим сенга айта-ман"—26-52-сонлар 2001 йил, 2-4-сонлар 2002 йил, "Қизларга аталган сўзлар"—2002 йилнинг 5-сонидан бошлаб) биз ёшларни келажақда ўз ўрнимизни топишимизда, ўзи-мизга керак бўлган нарсаларни билиб оли-шимизда ёрдам бермоқда. Бунинг учун биз Турсуноӣ опага раҳмат айта-миз. Мен бўш вақтларимда кичик-кичик ҳикоялар, шеър-лар ёзиб тураман. Мана шу ёзган шеърла-римдан бирини азиз юртдошларимиз диқ-қатиға ҳавола эта-яман.

**Қалбинг ҳам ҳуснингдек дилрабо, кўркам,
Олам гўзаллиги сенда мужассам,
Тахсин, офаринлар бари сенга кам,
Шарму ҳаёлисан, ўзбек аёли.**

**Қалбинг зилол сувдек соф-мусаффо-дир,
Ҳуснинг ҳусн мулкида тенгсиз, танҳо-дир,
Сен мисоли бир гул, ҳамма шайдо-дир,
Нозли, ибобисан, ўзбек аёли.**

**Гўзал гиёҳ унгай юрган изингдан,
Нафосат барқ урар хар бир сўзингдан,
Фарзанд меҳр олар шахло кўзингдан,
Авлод камолисан, ўзбек аёли.**

**Оқар томирингда Тўмарис қони,
Эрурсан садоқат, мардлик тимсоли,
Чехрангдан ранг олур юртим жамоли,
Меҳру вафолисан, ўзбек аёли.**

**Фарзандлар бахтига бўлгин соғ-омон,
Ҳаётда қоқилма, тоггин шараф-шон,
Дили эзгуликка, яхшиликка кон,
Ўзбек аёлисан, ўзбек аёли.**

Моҳинур МАМАТҚОСИМОВА,
Чортоқ туманидаги 115-мактаб-интернатнинг 9-синф ўқувчиси

Миннатдорчилик

САНЪАТИНГИЗГА ТАСАННО

Газетанинг 14-сониди Нигора Йўлдоше-ванинг Ўзбекистон халқ артисти Замира-хон Суянова билан бўлган камтарона ва мазмунли суҳбатига кўзим тушиб қолди. Бизнинг оиламиз ҳам покиза қалби бу санъаткор Аёлининг мухлислариданми-з. Яқинда болаларимнинг онаси, умр йўлдо-шим Муҳаббатхон ҳожи она 60 ёшни қар-шиладилар. Оилавий шукрона тўйига хуш-овоз хонанда меҳмон бўлиб келдилар. Дав-рага жуда фойз кириб, қуд-андалар, опа-сингиллар, қизларим, келинларим ва ши-рин-шакар набираларим Замирахон атро-фини тўлдириб савол-жавобларга тутди-лар, санъатига минг бор таҳсинлар айтиб, бахт-саодат, узоқ умр тиладилар. Газета орқали бу қалби дарё хонандага оиламиз номидан миннатдорчилигимизни билди-рамиз.

Иброҳим ҳожи АҲАДОВ

Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани,
"Боғишамол" маҳалласи



ҚИЗЛАРГА АТАЛГАН СЎЗЛАР

● Бу ҳам етмагандай, совчиликка номи банд хонадонларнинг отини айтавера-ди! Тўй қиладиган дастёр эса мен. Ҳолим ўзимга маълум! "Она, тўйни нима мактаб қиламиз, шошилмай тури-н-г,- дейман. "Сен тўй қиламан деб ният қилавер, у ёғини Оллоҳ беради,"- дея газабга ола-ди онам! Менинг эса юракларим йиғлай-ди: "Оллоҳ осмондан ташлаб берармиди, буларнинг бундай соддалигига яраша қўлим ҳам узунроқ бўлмади-да",- дейман ўқисини. Аммо гумроҳлик қилган эканман, онам хар сафаргидай ҳақ чиқди. **Ният** астойдил бўлса, чигилларинг ўз-ўзидан ечи-лаверар, у ёғини ўзи ўнгалар экан. Ширин-гина тўй, мазаси оғизда қоладиган қуд-ачилик бўлди...

Хеч ким рўзгор ишларига тап-тайёр бўлиб бормайди. Аммо бўйинг кўрингандан бош-лаб астойдил **ният қилавер**: "Бир жойга келин бўлсам, зехним билан ғайратимни астойдил ишга соламан, Худо мадад бе-ради, иншооллоҳ, ҳамма ишнинг устаси бўлиб кетаман", дегин! Бунинг оти - их-лос! Ўтиббор берганмисан, ўз уйида се-зилмайгина юрган, ҳатто дангасагина бўлган айрим қизлар келин бўлганда, таъ-рифлари тилга тушиб кетади. Инсон қил-ган ишни инсон албатта удралайди, фа-қат астойдиллик керак! Рўзгорнинг қайси буюмини ушласанг, муҳаббат билан ушла. Овқат тайёрлар пайтингда қозонга меҳр билан эгил. Хар ишни бошлашдан аввал "уни албатта аёло даражада баҳараман" деб **ният қил** ва шундай қилишингга ишон, мана кўрасан, шундай бўлади ҳам!

● Қизойим, одамлар ҳам рангли қалам каби хилма-хил. Қандай аёлга келин бўла-сан, Худо билади! Астойдил **тилаб бор-ки**, истарангни иссиқ кўрсатсин. Чунки ҳамма ишинг шу ҳовлига тушиб турибди - сен бу ерга қўнганг эмас, умрингни кўчириб келяпсан. Чаманзорми, тиконзор-ми, то юзга киргунингча шу ер энди сенга ватан! Қиз боланинг борган жойида тин-чини берсин, Худойим! Бировнинг уйига сингиб кетиш жуда оғир жараён. Келин бўлиб борар экансан, ўзингни яхши-ёмон ҳолатларга созлаб боргин. Феълйи текис бўлмаган қайнонани ҳам ёмон кўрмайман, эритиб оламан, шу уйга албатта қўниқиб кетаман деб **ният қилгин!** Бу ният сенга кечиримлилик, сабр ва кўнгил топишда из-ланувчанлик беради.

Кўчада ҳамма текис кўринади, ҳамма яхши инсон ролини ўйнашга ҳаракат қи-лади. Кимнинг қандайлигини уйида кўринг. Турган гапки, тўйдан кейин кўвнинг сен кутмаган айблари чиқиб қолар. Шунда дарҳол унинг хатоларини санашга ёки афсусланишга тушма. Энди орқага йўл йўқ, пешонангниг ёзиғи шу. Қайтага вақт-ни ютказмасдан ишга кириш: рўпаранг-даги шугина эркакдан шу оила учун, ўзинг ва бўлажак фарзандларинг учун яхши ўғил, яхши ҳуфт ва яхши ота ясаб ола-ман, деб **ният қил**. Ўз фойдангни астой-дил ўйласанг, шу ниятни амалга ошира-сан. Чунки ҳуфтинг ота-онаси, ака-сингил-лари билан яхши бўлмаса, сенга кун йўқ, Қолаверса, яхши келин оила аъзоларини келиштиргани, қовуштиргани келади.

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)
Турсуноӣ СОДИКОВА

КИМ КЎПРОҚ АЙБДОР?

Мен ота-онамни жуда яхши кўраман ва жудаям ҳурмат қиламан. Онам кўп фарзандли оилада ўсган. Онамнинг оталари, оналари ва бувилари (уларни Худо раҳматиға олган бўлсин!) жуда ажойиб, меҳридарё инсонлар бўлган экан. Улар ўз фарзандларидан ташқари, вафот этган узок қариндошларининг бир ўғил ва бир қизини ҳам тарбиялаб, мустақил ҳаётга йўллашди. Тоғам якка ўғил бўлганликлари учунми, қайсар, эрка ва бемеҳр бўлиб ўсганлар. Айниқса, уйланганларидан кейин хотинининг гапиға кириб, ота-онасини роса қийнаган. Ҳатто отасиға, яъни бувамға қўл кўтаришғача бориб етган. Ягона ўғил бўла туриб, ота-онани ёлғизлатиб, бошқа ҳовлиға чиқиб кетган. Онам бош фарзанд бўлганлиги учун, ёшлигимдан буюмникида катта бўлганман. Бувам вафот этгач, кўнгилсизлик бошланди. Хотинининг гапиға учган тоғам маъракаға йиғилган хотин-қизларни кува бошлади. "Сенлар мерос бўлишғиға келгансанлар, селларға тирноқча нарсаси бермайдиман", деб уларға маломат қилди ва кўзимнинг олдида буюжонимни тепиб юборди. Орадан йиллар ўтиб, буюжонимда саратон касаллиги борлиги аниқланиб, касалхонаға даволанишға ётдилар. Онам бутун масъулиятни ўз бўйинларига олиб, 8 ой давомида касалхонаға югурди, қаратди. Бу вақтда эса тоғам ишларини баҳона қилиб, атиги 4-5 марта кўргани келдилар, холос. Онам буюмимни касалхонадан олиб чиқиб, анча вақт уйимизда парвариш қилдилар. Лекин касаллик барибир буюжонимни олиб кетди. Шундан кейин барча сингиллар тоғам бошчилигида онамға қарши жанжал кўтардилар. Чунки буюжоним ўлимидан олдин бутун ҳовли-жойларини онамға васият қилиб кетган эдилар. Буюмимнинг барча буюмларини ўзаро бўлишиб олишди. Онам ҳеч нарсаси бермадилар. Кейинроқ эса барча сингилларни яна тоғамнинг (асосан хотинининг) гапиға кириб онамни, яъни ўз опаларини судға бердилар. Суд эса васиятнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаб, уларнинг аризаларини кўришдан бош тортиди. Бу нарсаси онамға қаттиқ таъсир қилди. "Наҳот ўз туғишганларим мени судға бердилар?!" деб узок вақт куйинди. Барча хола-лавлари акамнинг никоҳ тўйиға келмасликка кўндирган тоғам, ўзлари олиб-югуриб тўйда хизмат қилдилар ва бу билан уларни ўзига қарши қилиб қўйдилар. Барча сингиллари келиб онамдан кечирим сўрашди. Лекин тоғам онамға: "Мен фарзандларимни шундай руҳда тарбиялайки, улар сени тағ-томиринг билан суғуриб ташлашсин", деб дағдаға қилди. Наҳот мол-дунё, "эгов" хотин инсонни шунчалар тубанлаштирса?.. Бу дунё ўткинчи эканлигини, қайтар дунё эканлигини наҳот тоғам ва холаларим тушуниб етмасалар?

Хурматли юртдошларим, мен бу ўринда ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини ажратолмай қийналаман? Опа-укаю, сингилларнинг ўзаро шунчалик бемеҳр эканлигиға нима сабаб ва бу ўринда ким кўпроқ айбдор? Онажонимға қандай маслаҳат берасизлар?..

Тошкент шаҳри

Ж.

Бу мактубни аччиқ бир дард, изтироб билан ёзмокдаман. Муҳаббат ва нафрат тўла қалбим охири мени шунга ундади. Мени қалбимни хўрлаган, юрагимға азоб берган йигит шу сўзларимни ўқиб, балки ўзига ҳулоса чиқариб олар.

Мен ўтган йили Шухрат исмли бир йигит билан танишиб қолдим. Аввалиға у билан телефон орқали гаплашиб турдим. Кейин эса биз тез-тез учрашиб турадиган бўлдик. Бир-биримизни бир кун кўрмасак ўзимизни кўярга жой топа олмас-

УНТАЙ ДЭ АХД ҚИЛДИМ МИНГ БОР...

дик. У менға, мен эса унга ипсиз боғланиб қолдик. Бизнинг бу ришталаримиз севги-муҳаббатға айланди. Мен ўзимни дунёдаги энг бахтиёр қиз деб билдим. Бундан ортиқ бахт борми дунёда! Лекин афсуски, бахтиёр дамлардан сўнг албатта ғамгин онлар ҳам бўлар экан. Мен учун ғам-андухға тўла ҳаёт бошланди. Унинг "Мен сени севаман, сенсиз бир он ҳам яшай олмайдиман", деган сўзлари бари ёлгон бўлиб чиқди. Шунча пайтдан бери мени алдаб, лақиллатиб келётгани маълум бўлди. У уйланаётган экан. Буни эшитгач, тилим гунг, қулогим қар бўлиб қолди гўё. Қанийди, қанийди шу сўзларнинг барини ёлгон деса, ҳазиллашдим



ҲАЁТ ТАШВИШЛАРИ ВА ҚУВОНЧЛАРИ



деса. Лекин афсус буларнинг ҳаммаси ҳақиқат экан. Ахир унинг онаси бизнинг муносабатимиздан хабардор эди-ку! Шундай нияти бор экан, бизнинг муносабатимизға нега қаршилиқ кўрсатмади? Менда кўнгли йўқ экан, нега мени алдади? Наҳотки, севги деб аталмиш илохий тўйғуни шу қадар ерпарчин қилсалар. Шу ҳам инсофданми? Ахир инсонда юрак, виждон деган нарсалар бор-ку! Наҳотки, бир миттигина юракни хўрлашға, унинг севгисини поймол қилишға виждонлари йўл қўйса, ҳаёт шунчалар бешафқатми? Севги-муҳаббат эса бир саробми?

ШАҲНОЗА

Тошкент шаҳри,
Сирғали тумани

қан экан. Турмушға чиққач эса ҳаётнинг ҳам ширин, ҳам аччиқ зарбаларига дуч келар экан. Ёшим 24 да. Ҳамма қизлар сингари ширин орзу-ниятлар билан турмушға чиқдим. Янги хонадонға ўрганиш қийин бўлди. Қайнонам супурги қаерда туради, ошхонанинг қай бурчагида гуруч, ун, ёғ ва шунга ўхшаш нарсалар туришини кўрсатмас, улар хонадонда овқат кимға қай тарзда сузилишини ўргатмас эди. Бирон бир нарсани сўрамоқчи бўлсам, менға хўмрайиб: "Энди бу ерда қиз эмас, келинсиз. Мендан сўрамай ўзингиз билиб-билиб ишингизни қиларсиз",-деб кесатиқ гапларни гапирардилар. Ноилоҳ жим туриб, уй юмушларини бажарардим. Бу ёқда турмуш ўртоғим... Кўнглимни кўтариб юпатиш ўрниға, нуқул кўрсик қилиб гапирар эди. Менинг бирдан-бир айбим — айрим келинлар сингари менға қаттиқ гапиришанда жавоб қайтармай тилимни тийганим?

Шу уйда тинч яшай, деб қайнона-қайнотамни ҳурматини жойиға қўйиб, ота-онамдан ҳам кўпроқ ардоқладим. Эримни ҳурматлаб ширин сўз бўлиб, кўнглини олиш учун ҳаракат қилдим. Лекин бариси бекор бўлди...

Бир куни кир юваётиб никоҳ узугимни ечиб қўйдим. Кирларни ювиб бўлиб бошқа ишға уннадим. Ўша куни қайнонам уйда эдилар. Негадир хонамға кириб кўзлари олазарак бўлиб чиқди. Олдиниға эътибор бермадим. Овқат тайёр бўлганда узукни тақиб олай десам, мен кўйган жойда йўқ. Юрагим орқаға тортиб кетди. Мен узукни қайнонам олиб қўйганини сездим. Ўша кундан бошлаб бу хонадон эгаларидан совий бошладим, улардан нафратландим.

Бу воқеани билган ота-онам у ердан мени олиб кетишди. Ўғлим туғилгач эса болани кўргани, мендан кечирим сўрагани эрим ва қайнонам келишди. Мен уларға рад жавобини бердим. Улар эса яна келаверишди. Барибир мен уларни кечира олмайдиман...

Ҳозир биз ажрашганмиз, эрим уйланган. Мен кўп қийналганман, ўша хонадон эгаларидан кўп дилозор гаплар эшитганман. Шунинг учун иккинчи бор турмуш курсам, фарзандларимға меҳр бера оладиган, мени тушунадиган, мени ҳурмат қиладиган инсонни учратишни истаيمان.

Мен бир умр отамни қидириб ва кутиб яшайман. Ойимнинг болалик чоғлари қийин кечган. Бувим бозорда савдо-сотик билан шуғулланиб 6 фарзандни боқиб ўстирган. Ойим 15-16 ёшларға кирганда бобом фалаж касалиға учраб, 8 йилдан сўнг оламдан ўтган.

Ойим Самарқанд Давлат университетига ўқишға кирганда буюмимнинг тоби қочиб қолган. Ойим ўқишни ташлаб буюмға қараган. Бувигинам: "Қизим, мени деб ўқишингни ташлама, ҳар ким ўзи учун ўзи яшаши керак"-деганда ойим қулоқ солмаган экан. Холам ойимни юз-хотирини ҳам қилмай олимдан олдин турмушға чиққан экан. Ўша даврда сингилнинг опадан олдин турмушға чиқиши уят саналаркан. Лекин ойим холамини кечирган.

Ойим касал буюмимни парвариш қилган деб 32 ёшгача турмушға чиқмай юрган. Ойимға совчилар келганда буюмим: "Қизим, энди мен қариб қолдим, сенинг ҳам тўйингни кўрсам армоним қолмасди",-дегандан сўнггина ойим дадамға турмушға чиқади.

Ойим 33 ёшға тўлганда мен дунёға келганман. Мендан кейин укаларим Ҳасан-Ҳусан туғилади. Орамиздаги фарқ 1 ёшгина. Дадам доим ярим тунда маст-аласт ҳолатда уйға келар, жанжаллашаркан.

Ойим ҳаётда қийналиб, бизни катта қилди. Мен 4 ёшға кирганда дадам ажрашиб, уйдан чиқиб кетган. Мана, мен 15 ёшға кирдим. Лекин дадам ҳақида ҳеч нарсаси билмайдим. Ундан фақат расмларгина қолган. Отасиз яшаш, тирик етим деган номни олиш жуда қийин. Буни фақат ўз бошидан ўтказган одам тушуנסа керак.

Дугоналаримнинг оталарини кўрсам юрагимда нимадир гумбурлаб кетади. Мактабда оталар мавзусида дарс ўтилса мен ғинг демай ўтираман. Негаки, дадам ҳақида ҳеч нарсаси билмайдим, кўриниши қандай эди — эслолмайман. Тунари хўн-хўн йиғлаб дадамни эслайман. Ҳамма менға дадам йўқлигини пешлайди. Нима бўлган тақдирда ҳам мен дадамни кутиб яшайман.

Ойимнинг оталарини кўрсам юрагимда нимадир гумбурлаб кетади. Мактабда оталар мавзусида дарс ўтилса мен ғинг демай ўтираман. Негаки, дадам ҳақида ҳеч нарсаси билмайдим, кўриниши қандай эди — эслолмайман. Тунари хўн-хўн йиғлаб дадамни эслайман. Ҳамма менға дадам йўқлигини пешлайди. Нима бўлган тақдирда ҳам мен дадамни кутиб яшайман.

Ойимнинг оталарини кўрсам юрагимда нимадир гумбурлаб кетади. Мактабда оталар мавзусида дарс ўтилса мен ғинг демай ўтираман. Негаки, дадам ҳақида ҳеч нарсаси билмайдим, кўриниши қандай эди — эслолмайман. Тунари хўн-хўн йиғлаб дадамни эслайман. Ҳамма менға дадам йўқлигини пешлайди. Нима бўлган тақдирда ҳам мен дадамни кутиб яшайман.

Ойимнинг оталарини кўрсам юрагимда нимадир гумбурлаб кетади. Мактабда оталар мавзусида дарс ўтилса мен ғинг демай ўтираман. Негаки, дадам ҳақида ҳеч нарсаси билмайдим, кўриниши қандай эди — эслолмайман. Тунари хўн-хўн йиғлаб дадамни эслайман. Ҳамма менға дадам йўқлигини пешлайди. Нима бўлган тақдирда ҳам мен дадамни кутиб яшайман.

- Хотиним иккимиз бир ҳафтада бешта телпак тикамиз. Донасини 15-20 минг сўмдан сотаяпмиз. 3 фарзандим, қайнонамнинг усти бут, қорни тўқ.

Жонан РЎЗИМУРОВОВ — этикдўз:

- Илгари жамоа хўжалигида ишлардим. Шаҳарға қўчиб келгандан сўнг уста Мардон деган устозимдан этикдўзликни ўргандим. Ҳозир бозорда ўтириб, шу ишни қилаяман. Хотиним ва уч фарзандни шу тахлит боқаяман.

Экспресс-интервьюни
Хайрулла ҲАМРОЕВ
уюштирди

“КИМИРЛАГАН КИР ОШАР...”

Самарқанд шаҳридаги "Кечки бозор"ға кириб, турли соҳадаги тадбиркор юртдошларимизнинг фикрини тинглар эканман, "Кимирлаган кир ошар" деган мақоланинг мазмунини яна бир бор кашф қилгандек бўлдим. Мана, сиз ҳам уларнинг фикрларини тинглаб кўринг.

Шоҳиста САФАРОВА — пойабзал тикувчи қосиб:

- Ота-бобомиз қосиб ўтган. Иттифок даврида бу қасбни тўхтатишға тўғри келганди, мустақиллик тўғрисида яна

қайта тикладик. Маҳси, ковуш, ботинка, туфли тикиб сотамиз. Эр-хотин, уч ўғил ва битта шогирдимиз билан бир кунда 10 жуфт пойабзал тикиб, бозорға чиқараяпмиз. Хом ашёни Андижондан келтирамиз. Кунига 5-6 минг сўм даромад тушиб турибди.

Салом ХАЛИЛОВ — чинни буюмлар сотувчиси:

- Россия, Хитой ва Тошкент чинни заводи маҳсулотларини келтириб, устиға озгина устама қўйиб сотаяпмиз. Шу тариқа оила эҳтиёжи қонди-

рилаётир.

Акмал ЖАЛИЛОВ — хусусий машина ҳайдовчиси:

- Шаҳарнинг у ёғидан, бу ёғиға одам ташийман. Бензин пулидан ортиб, фойдаси қолади. Шу тўғрисида рўзгоримиз бут, дастурхон тўкин.

Шоира НИЁЗОВА — тўн тикувчи:

- Бир кунда битта тўн тикаман. Бундан ташқари белбоғ, сўзана гирди. Тўнни 7 мингдан 15 минг сўмгача, сўзана гирдини 700 сўмдан сотаяпмиз. Соф фойдаси оиламиз-

даги 10 жонни боқишға бахолои қудрат етиб турибди.

Барно МЎМИНОВА — дўппи тикувчи:

- Мустақилликдан сўнг, аниқроғи 1997 йил эркаклар ва қизлар дўпписини тикадиган цех очдик. Уч киши ишлайди, икки нафар келиним ҳам ишлик бўлишди. Дўппидан ташқари тўйболалар учун саллача ҳам тикишди. Рўзгорда 11 жонмиз. Худого шукр, кунимиз ўтапти.

Раҳим ҲАМДАМОВ — телпак тикувчи:

ДУШАНБА 20

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
8.00-8.45 «Тахилнома»
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектеlevision» на-
мойиши: «Элик қалъа»
9.05 «Камалак». Болалар
учун кинодастур.
9.40 «Турчин хохимчи»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00
ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Учунининг парвози»
Бадий фильм.
11.30 Ўзбекистон телера-
диокомпанияси эстрада
симфоник оркестрининг
концерти.

Болалар сайраси:
12.05 1. «Боланинг мо-
вий осмони». 2. «Олтин
тоғ». Телевизион уйин.
13.05 «Ўзбек спорти олим-
лари»
13.25 «Ошин». Телевизион.
13.55, 16.40, 17.25 ТВ
анонс.
14.10 «Калб гавҳари»
14.30 Кундузги сеанс: «Аёл-
лар тангиси». Бадий
фильм.
15.50 «Бадий кенгашдан
сўнг»
16.15 «Ифтихор»
16.45 «Талабалик йилла-
ри»
17.05 «Олтин оламида»
17.30 «Куйла, ёшгилм»
18.10 «Тарих қўзғиси». Тер-
миз. 6-кисм.
18.30 «Мулк»
18.45 «Бахтли воқеа». Теле-
лелотерия.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00
ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тили-
да)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабар-
лари.
20.30 «Ахборот»
21.05 Ўзбекистон халқ ар-

тистлари.
21.30 2002 йил - Қариялар-
ни қадрлаш йили. «Пари-
си бор уй»
22.00 «Миллионлар уйини»
Спорт дастури.
22.30 «Кавингтон Кросс»
Телевизион.
23.20 «Ахборот - дайжест»
23.20-23.45 Ватан тимсол-
лари.

«ЕШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

Профилактика муносабати
билан душанба 20 май кун
«Ешлар» телеканали кўрсат-
увлари соат 15.15 да бо-
ланади.
15.15 Кўрсатувлар дастури.
15.20 «Давр» ҳафта ичида.
15.50 Кўна оҳанглари.
16.00 Спорт ҳафтаноми.
16.15 «Никхо тумори». Ба-
дий фильм. 1-қисм.
17.40 «Янги авлод» почта-
си, Кичиктой экран.
18.05 «Кундуз амакининг
хикоялари». Мультсериал.
18.20 Оқшом навалари.
18.35 Тафаккур ёлқинлари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Икким.
19.00 «Давр». Ахборот дасту-
ри.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўна оҳанглари.
19.50 Ҳазил соғини.
20.10 Ешлар овози.
20.30 Ешлар навалари.
20.45, 21.20, 22.35 ЭЪЛОН-
ЛАР
20.50 «Эсмеральда». Теле-
сериал.
21.25 Кишолдаги тенгдо-
шим.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дасту-
ри.
22.40 «Мухаббат қаҳваси»
Телевизион.
23.05 «Ешлар» телеканали-
да спорт: Интерфутбол.
Танаффус пайтида - 23.50
«Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.05 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 Болаларнинг экран.
«Оловдиннинг сеҳ-
ри чирғи»
18.25, 20.00, 21.10
«Поитхат». Ахборот дасту-
ри.
18.45 «Радиус-21»
19.10 «Мушоҳада»
19.35, 20.30, 22.15 «Эк-
спресс» телегазети.
19.50 «Камалак»
20.45 «Муслик меҳмон-
хона»
21.30 ТТВДа сериал: «Бе-
билска пун»
22.30 «Поитхат шарҳи»
22.55 Кинонигоҳ.
«Гувоҳ»
00.40-00.45 «Хайрли
тун, шахрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ
6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести»
16.25 «Шов-шув». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ах-
борот кўрсатуви.
РЖТ
17.25 М. Елдоқимов ҳузу-
келинойим ўқидилар, бизлар унсиз йиғладик. Кейин шу аёл (улар шу қат-та келинойимга қўшни экан), "Тобут-ни олиб чиқишайтганда ортидан югур-манглар. Ҳаммангиз саф бўлиб, товус чиқариб икки ракат намоз ўқинглар", деб ўқтирди. Мен шу аёлга минг рах-мат дейман. Илоҳим Аллоҳ рози бўлсин. Мана энди тушунсак, бу жуда савоб экан. Лекин гап-сўз, пи-чир-пичир тугамас экан, ўшанда ғийбатчи-ю, бекор-чиларга роса гап топилиди.

Онамиз ишқилиб тўғри қила-ётган бўлсак бўлди, дедилар. Қолган маросимлар ҳақида ёз-сак бир дoston бўлади. Мақо-лада яна: "Энг яқин жигаргў-шанг, ота-онанг вафот этадую, йиғламай бўладими", - дейил-ган. Албатта бўлмайди. Йи-ғлаш керак. Лекин нима учун бировлар олдида худди ўзини кўрсатиш учундек додлаб, ай-тиб йиғлаш керак? Ахир холи жойда ёлғиз Аллоҳ билан қолиб, ота ёки она ғуноҳини сўраб, дуо қилиб қалбдан йиғласа — шунини савоби кўпроқ эмасмикан. Чунки бу дунёда хар кишининг ғуноҳи етарли. Балки ортқ ҳамдир. Яна Расулulloҳ сал-лоллоҳу алайҳи васаллам "Аллоҳга ва охиратга ишонадиган аёлнинг уч кун-дан ортқ ўлиқка аза тутмоғи мақруҳ-дир, эри ўлсагина тўрт ой-ун кун аза тутгайди", - деб ўзлари ёзибдилар. Манзураҳон, ахир сиз охиратга ишо-масангиз қандай қилиб бу мисоллар-

ни ёздингиз? Қўшни қизларни олий маълумотли, дебсиз. Шу ўринда менга жуда қаттиқ таъсир қилган жойи: "Ё шу қўшнингизнинг ўлимини қуттишганим-ди?", - дебсиз. Ё тавба, ахир қайси фар-занд тўй қилиш учун ўз онаси ўлими-ни қутди, қайтага: "Онам тўйларимиз-ни кўрсинлар", - дейди-ку. Менимча, сиз бу сўзларни уйламай ёзгансиз. Чун-ки бу жуда оғир гап. Фараз қилиб, сиз-га биров шундай деса, қай аҳволга ту-шасиз? Мени кечирасизу Манзура опа, сиз бу гап билан қўшниларингиз дил-ларини оғритиб қўйибсиз. Уларни ўзларини бундай туттишларига келсак, менимча, тўғри қилишган. Улар олий маълумотли, доно, оқила аёллар экан. Шу ишлари билан улар оналарига жабр қилмаслик ҳақида уйлаганлар. Уларнинг 17 ёшли қизларини узатишганига кел-сак, мени ҳам шу ёшимда узатишган. Худога шукр, келин бўлиб тушган оиламга ҳамманинг ҳаваси келади. Бу-йижоним, ойижоним, адажоним обрўли, ақли, маънили одамлар. Демоқчима-ки, қиз болани 17 дами 25 дами уза-тишар экан бахтини берсин. Қиз бола-ни тенги чиқса текинга бер, деб бе-жиз айтишмас экан. Яна "Ҳайит"га кел-сак. Ҳайитни Аллоҳ байрам қилинлар, деган. Уч кун ҳайит кунни беоморлар кўнглини кўтариш, кексаларни кўриш савоб. Лекин бу аза тутиш, дегани эмас-ку. Хар нарсани тўғри тушуниш керак. Ўтганларимизни унутмай, Қуръ-он ўқиб уларни эслаб, қалбимизда сақ-лайлик.

Гулнора ҒУЛОМОВА

Тошкент шахри

Отамиз ОЛИМ ҳожи
ва онажонимиз
ЗУЛФИЯХОН!

Кутлуғ айёмингиз муборак бўлсин!
Оллоҳ умрингизни зиёда қилсин.
Соғ бўлинглар.

Фарзандларингиз
номидан Элёржон

0



Оила аъзоларингиз
номидан қизингиз
Лола

Онажонимиз
ЗЕВАРОЙ!
Таваллуд ай-
ёмингиз му-
борак! Соғ
бўлиб, узок
умр кўринг.

Азиз адажонимиз Иброҳимжон НОРМИРЗАЕВ!

Сизни 20 май — таваллуд кунингиз
билан чин дилдан қутлаймиз. Бахти-
мизга ҳамisha омон бўлинг.
Сиз борки бу дунё мунаввар,
Сиз билан бутундир бағримиз.
Соғ бўлинг фарзандлар умрига,
Абадий яшасин бахтимиз.
Хурмат билан рафиқангиз —
Ойдин, фарзандларингиз —
Улғубек, Севара, жиянингиз —
Дилфуза, синглингиз — Нигора

0



Хурматли паноҳгоҳимиз

Муртазо СУЛТОНОВ!

65 ёшга тўлганлигингиз
билан чин дилдан табрик-
лаймиз.
Истаймизки ҳамisha
Омад бўлсин сизга ёр.
Истаймизки умрингиз,
Чинордек бўлсин бисёр.
Рафиқангиз — Махфу-
заой, ўғилларингиз, қизларингиз ва
набираларингиз



ИЛОН ДЕБ ЎЙЛАСАМ...

Бир кун Найманчада яшовчи бувимники-
га меҳмонга бордим. Бувим: "Бугун ёмғир
ёғиб турбди, бизникида қолақол, болам",
- деб кўярда кўймай олиб қолдилар. Мен: "Хо-
лаларим ҳам шу ерда, барчамиз бу уйга си-
маймиз", - десам, бувим: "Кел, болам, ундай
дема, сен узогда юрасан жуда соғинаман, бир
дийдорингга тўйиб олайин", - деди. Хеч қол-
гим келмаса-да, бувимнинг раъйини қайта-
ра олмадим. Келин олам бар-
чамизга узун қилиб ўрин солди.
Тўрида бувим, уларнинг ён-
ларидан мен, ўртароқдан кичик
холам жой олди. Ҳамма уйкуга кетгач, бир
нарсга тисирлаганга ўхшайди. Тоғаларим таш-
карига чиқибган бўлишса керак, деб эъти-
бор бермадим. Негадир уйкум қочиб кетди.
Ташкаридаги зимистонлик юрагимга хижил-
лик солди.

Бир пайт ўнг ёнбошимга ағдарилмоқчи
бўлиб ёпинчигни тортсам, оғир, жойидан
қўзғолмайдди. Уйқусираб бир-икки торт-
дим, кимдир ушлаб тургандай бўлди. Бир
пайт ўрнимдан туриб қарасам узунлиги
икки метр келадиган илон бошини бувим-
нинг белига қўйганича ухлаб ётибди. Не
кўз билан кўрайки илоннинг бел қисми,
яъни қорни яраланган. «Илоннинг боши
янчилса ҳам думи қимирлайди», - деган-
лари шу бўлса керак-да. Кўрқанимдан хо-
ламини ёнига яқинлашган эдим, у уйқу-
сида

раган кўйи «жим ёт», деб кўрпачани бир
тортанди, илон ташкарига йўл олди. Мен
ўрнимдан туриб эшикни кулфлаб қўйган
эсимда. Илон ташкарига чиқиб кетди,
деб ўйлаб ўрнимга бориб ётмоқчи бўлдим.
Не кўз билан кўрайки боғи илон бувим-
нинг белида хотиржам ухлаб ётибди. Уни
қаердан кириб олганига ҳеч ақлим етма-
ди. Бувим эса ҳеч нарсадан беҳабар мазза
қилиб ором олаётди. Уша
кун мен кўрққанамдан то-
чага чиқиб ухлаб қолибман.
Эрталаб холамнинг: "Сенга
нима бўлди, нега тоқчада ухлаяпсан", - де-
ган овозидан ўйғониб кетдим. Тура солиб
илон, илон қани деганимни биламан хо-
лаларим, тоғам, ҳатто бувим ҳам қулиб
юборишди.

Уша кунги воқеадан сўнг анча пайтгача
ўзимга келолмай юрдим. Хеч ақл бовар
қилмайдди. «Тўшмим, ўнгимми», - дея ўзимга
савол берганим берган. Негадир юрагим-
даги хижиллик тарқамайди.

Орадан 5-6 кун ўтиб тоғам нохуш хабар
келтирди. Бувимнинг жигарига сув тўп-
лашиб қорни шилиб кетибди. Уша кун
кўзимга ярадор бўлиб кўринган илон ас-
лида бувимнинг соғлиғидан огоҳлик олиб
келган экан. Афсуски, биз бунга ҳеч
пайқабмиз.

н. йўлдош

Азиз-
гаройиб

ОИЛА — 1

Тошкент вилоятилик,
ёши 39да, турмуш қурма-
ган, яхши оиланинг фар-
занди, табиятан оғир-
вазмин қиз, ёши 38-45да
бўлган, тошкентлик ёки
вилоятилик, уй-жойли
яхши инсон билан та-
нишмоқчи.

ОИЛА — 2

Ёши 35да, турмушга чиқмаган, касби иқтисодчи, бўка-
лик қиз, ёши 34-40ларда бўлган, Тошкентда ёки Тош-
кент вилоятида яшовчи, уй-жойли, ҳушқўл бўлган, фар-
зандсиз йигит билан танишмоқчи.

ОИЛА — 3

Ёши 33да, тошкентлик, ажрашган, ёмон иллатлардан
холи қандолатчи йигит, ёши 22-27да бўлган бефар-
занд, тошкентлик аёл билан оила қурмоқчи.

КЎК ПИЁЗ - ФОЙДАЛИ

С витаминига жуда бой ҳисобланган кўк
пиёз таркибидаги калий юрак мускуллари-
нинг яхшиланшига ёрдам бе-
ради, танадаги ортиқча сувни
ҳайдаб чиқаради. Кўк пиёзда
фосфор, темир моддалари ва фитоцид
бўлиб, булар қамқонликка қалланглар учун
айниқса фойдали. Унинг таркибидаги каль-

сий моддаси эса тишларни мустаҳкамлай-
ди. Шунингдек, кўк пиёзда эфир мойи ҳам
мавжуд. У айрим хасталиклар
(жигар, ошқозон яраси) учун
унчалик қўлай эмас. Бундай ка-
фосфат билан оғирганлар кўк пиёздан
камроқ истеъмол қилганлари маъқул.

ГУЛЖАМИЛА тайёрлади

Маслаҳатхона

МЕҲРИБОНДИН АЙРИЛИБ...

Акам Қойир Жалиловни эслаб



Беш йилдирки ораимизда биз
ва дўсту биродарларимиз учун
азиз, меҳрибон инсон — ака-
жоним йўқ. Йиллар
ўтса-да у бизнинг
қалбимизда, ди-
лимизда яшаб келмоқда. Баъ-
зан акамнинг эрқалашлари, мен-
га қилган ҳазил-мutoйбалари
ёдимга тушиб, дилим соғинчдан
ўртаниб кетади. Акамни берган маслаҳатлари,
қўрсатган йўл-йўриқлари ҳамон мени тўғри, по-
киза яшашига ундайди.

Акажон! Сиз ораимиздан бевақт кетдингиз-у,
дўстлар даврасида ўрнингиз бўш қолди. Сиз-
ни ҳар кун кўргим, маслаҳатлашгим келади,
аммо энди Сиз йўқсиз, жигарим, акажоним.
Сизни дунёга келтириб, вояга етказиб, не-
не орзулари армон бўлиб қолган онажоним
билан отажонимнинг қалбларини тилка-пора
қилиб, фарзандларингиз-у умр йўлдошингиз-
нинг кўзларини ёшлаб кетдингиз.

Фарзандларингиз Аминжон ва Фанишерлар ҳам
вояга етиб, хонадонингиз файзу қувончага тўлди.
Рухингиз шод бўлсин. Амалга ошмай қолган ор-
зуларингизни амалга оширишга интилиб яшай-
ман энди. Фарзандларингизга сиз кўрмаган
орзу-ҳавасларни кўриш насиб этсин, илоҳ!

Укангиз Шукржон ЖАЛИЛОВ

Бухоро

ЖУДОЛИК

Дўстимиз

Абдулазиз Ислам

ўғлига бағишлаб



Хотира — муқаддас

Ох, азиз дўст!

Қайларга кетдинг,

Борса келмас

жойларга етдинг,

Эзгу умидларинг

дилигидга қолди,

Сен эрта кетмоқчи

ўйламагандинг...

Дўсту ёринг учун жонинг

тутардинг,

Юрагинг тўрида

этиқод — иймон.

Бугун айрилиқдан

юзлар сарғайди,

Нега бевақт кетдинг

Абдулазизжон!

Энди қабринг узра

нурлар ёғилсин,

Оллоҳ дўстларингиз

тасалли берсин.

МАКТАБДОШ ДЎСТЛАРИНГ

“Оила ва жамият” газетаси жамоаси Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азизга онаси
МЕНЛИХОЛ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ табиби, 1995 йили Москвада бўлиб ўтган жаҳон симпозиуми
совриндори — Академик Нейматжон АБДУЛЛАЕВ гиёҳлар билан
қуйидаги касалликларни даволайди

1. Саратон-рак ва унинг ҳар қандай турлари; (нур-химия олмаган бўлса), а) Оқсон - лейкоз сурункали, б) Қондаги вируслар; 2. Сурункали бош оғриги; асқаб касалликлари, уйқусизлик; 3. Жигар-кўрталок, сарик, церроз, қайд; 4. Ўпка, суяк сили. Эҳнакок касали. 5. Юрак касалликлари. 6. Ошқозон-ичак, колит, қабзият; 7. Буйрак, қон босим, шамоллаш, простатит; 8. Умurtқа пого-
наси, грижа. 9. Ўт-буйракдаги тошларни тушириш. 10. Камқонлик; Хомила-
ни сақлаш; 11. Соч, қош-киприқларнинг бирданга оқариб кетиши. 12. Бе-
фарзандлик. 13. Семириш ёки озиш. 14. Геморой.

1-Манзил: Тошкент шаҳри, «Олимпия» меҳмонхонаси, 1-қават. Мухбир кўча-
си, 2-уй. Қабул кунлари ҳар ойнинг 11 дан 16 сича, 25 дан 30 гача. Тел:
29-38-64. 2-Манзил: Наманган вил. Янгиқўрғон тумани, Порамон қишлоғи.
Тел: 8-369-45-29-124. Лицензия: № 133

“ЭЛИТА” усулида парда ва пакриваллар тикишни ўргатаман, ти-
кишга буюртма қабул қиламан. Тел: 22-73-73. РАЪНО

“ЗУККО” фирмаси ўқув маркази Сизларни замонавий касбларни
ўргатадиган турли ўқишларга ТАКЛИФ ЭТАДИ

1-ойлик: - Тижорат ва озиқ-овқат дўконла-
ри учун сотувчилар. Бир ойга 6000 сўм.

2-ойлик: - Ҳар хил торт, салатлар тайёрлаш. Бир
ойга 5000 сўм. - Сартарошлик. Бир ойга 5000
сўм. - Массаж (умумий). Бир ойга 5000 сўм. - Уй
ҳамишаси. Бир ойга 5000 сўм.

3-ойлик: - Тижорат ва озиқ-овқат дўконла-
ри учун сотувчилар. Бир ойга 6000 сўм.

Энг замонавий усулларда “Элита” пардалари ва
чойшабларни тикиш. Бир ойга 5000 сўм.
1-Манзил: Метронинг “Тинчлик” бекати
ёнида жойлашган. Эслаб қолинг: “Зукко” фир-
масининг ўқув маркази. “Адиас” дўкони ёни-
да. Тел: 42-36-71

3-ойлик: - Бичиш-тикиш. Бир ойга 5000 сўм.
- Инглиз тили (бошловчилар учун). Бир ойга
5000 сўм. - Акушерлик. Бир ойга 5000 сўм.
- Теле-радио устаси. Бир ойга 5000 сўм.

Ўқишни битирганларга диплом ва
гувоҳнома берилади. Виллоятдан
келганлар ётоқхона билан таъмин-
ланадилар. Фирма сифатли ўқиш-
га қафолат беради. Ҳамма ўқишлар
амалиёт билан.

2-Манзил: Юнусобод тумани, «Ко-
зистон» кинотеатри биноси ичи-
да. Тел: 35-10-36

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази қуйидаги курсларга
таклиф қилади:

2-ойлик: - Компьютер билимлари: (Windows-98; MS Office; Internet - E-
mail); - Компьютерларни ростлаш ва модернизациялаш; - Замонавий бухгал-
терия ҳисоби; - Замонавий пардалар ва чойшаблар тикиш (“Элита” усулида).

3-ойлик: - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер таълими; - Инглиз тили, ви-
део-аудио материаллар ёрдамида (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун);
- Тикиш-бичиш, моделлаштириш (енгил ва устхи кийимлар). Битирувчилар-
га диплом-сертификат берилади.

Манзил: Абдулла Кодирий кўчаси 13-уй, 2-қават, 55-хона.
Мўлжал: Метронинг “Алишер Навоий” бекати, Стоматология поликли-
никаси ёнида. Тел: 144-03-25, 144-92-39, 22-59-55

«КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР» ўқув маркази таклиф қилади.

3 ойлик курслар:

- Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms
Office) INTERNET, E-MAIL.
- Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Банк иши ва компьютер билимлари, - Электр жиҳозларини
таъмирлаш устаси. 1-С Бухгалтерия дастури
— 1 ойлик. - Енгил автомашина электроти.

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзил: Тош-
кент, Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиха институти биносининг 4-
қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 41-07-82

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ

«МОҲИР ҚўЛАР»

Қуйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади:

● энг замонавий усул асосида осон ва тез бичиш ҳамда унчоис тикиш - 4 ойлик; ●
пардалар, чойшаблар - турли хил жиҳозланган, бурмалар пардаларни бичиш ва тикиш - 3 ойлик;
● аёлларнинг замонавий костюм, палто ва плащларини бичиш ва тикиш - 3 ойлик;
● замонавий, ҳар фасла мус эркаклар кийими - 2 ойлик.

● Кўлак, шим, костюмлар - ҳар кунга, классик ва спорт усулига мос — костюм, фрак,
нимча, куртка, плащ, пальтолар.

Машинолар кичик гуруҳларда ҳар кун олиб борилад.

Битирилганларга диплом берилади. Қабул ҳар кун (якшанбадан ташқари) соат 10 дан 12 гача.
Манзил: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона.
Мўлжал: Метронинг “Амр Темур” бекати. Тел: 133-73-97, 76-71-95.

«ЎКТАМХОН» ўқув маркази ўқишга таклиф этади:

(ўқишга ҳар ойда қабул қилинади)

1. Бичиш-тикиш - 3 ой; бошловчилар учун - 6 ой.
Бунда сиз 100 дан ортқ замонавий либослар, кос-
том-шим, бешик усти жиҳозларини бичиш-тикиш-
ни моделлаштиришни ўрганасиз. 2. Ҳамишарлик - 6
ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт машғулотлари ўтатилади;
3. Қаштачилик - 3 ой, машинада тикиш - 3 ой;
4. Зардўзлик (бухороча) - 3 ой;

5. Сартарошлик - 3 ой (амалиёт билан), эркаклар учун - 2 ой;
6. Массаж (амалиёт билан) - 2 ой.
7. Торт ва турли хил пишириллар - 2
ой. 6. Инглиз тили - 3 ой;
8. Парда ва пакриваллар тикиш - 1
ой.

Ўқишни тугатганларга диплом берилади. Лиц: № 587
Манзил: Юнусобод тумани, 3-маъза, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида.
Тел: 121-77-72 (соат 8 дан 17 гача), 125-46-27, 125-97-93 (кеч соат 17 дан 22 гача).

Эшим 27 да. Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Икки ярим ёшли ўғилчам бор. 1997 йил Н. исми йигитга турмушга чиққандим. Н. олий маълумотли, яхши бир ташкилотда ишлайди. Биз бир-биримизни кўриб, ёқтириб, ҳар иккала томоннинг розилиги билан турмуш кургандик. Келинликнинг оппоқ ҳарир либосини кияр эканман, орзуларим ҳам оппоқ ва беғубор эди. Бироқ!.. Бу кўёши чарақлаган кунларим бир йилдаёқ қопқора зулматга айланди. Мен кишлоқда, Н. эса шаҳарда ишлайди. Кишлоғимиз билан шаҳар оралиги 25 км йўл. Тўйимиздан бир ҳафта ўтиб Н. ишга кетди. Аввалга ҳар ҳафтада, кейинчалик икки ҳафтада бир келадиган бўлди. Мен нега йўқ бўлиб кетишини сўрасам: "Ишим кўп, икки жойда ишлаяпман, улгурмайман", - деб жавоб берарди.

Келин бўлиб тушган хонадонимда қайнонамни — она, қайнотамни — ота дедим. Мен оилага катта келин бўлиб тушгандим. Икки қайносинглим бўлиб, уларни турмушга узатишган, яна икки ўғил уйлланмаган эди. Мен ўзим хоҳлаганимдек оиладагиларнинг барчаси билан муносабатим яхши эди. Қайнона ва қайнотам келин олганларидан хурсанд, мени ўз қизларидай кўришарди. Мен ҳам шунга яраша хурматларини жойига қўярдим. Лекин барибир бу хонадонда менга яна нимадир етишмасди. Турмуш ўртоғимга: «Ишимни ҳам йиғиштириб, сиз билан шаҳарга бориб яшайман, сиз қаерда бўлсангиз мен ҳам ўша ерда бўламан», - деб туриб олмадим. Чунки биз ўзбекларда ота-оналар «ўғил уйлантирсам, келин туширсам» оёғини узатиб дам оламан, келин оғиримни енгил қилади, қўлимдан ишимни олади, болаларимнинг ҳузурини кўраман», - деб ният қилдилар. Мен ҳам шу боис қайнона-қайнотамдан андиша қилдим, дилимдагини очик-ойдин тилимга чиқара олмадим. Улар ўзлари тушунган, турмуш тажрибалари бўла туриб: «Еш келин-куёвлар бирга яшасинлар», деган фикрга келмадилар. Энди эса турмуш ўртоғим бир ойлаб келмайдиган одат чиқарди. Ота-онаси номини уришиб қўйишарди, холос. Оилани бошқариш кўпроқ қайнонамнинг йўл-йўриги билан амалга ошарди. Мен эса ўзимдан ўтганини ўзим билардим. Ҳатто йиғлаб-йиғлаб тонг оттирдим-у, яна ҳеч нима бўлмагандек яшайверардим. Шу хонадонда ҳеч қандай жанжалсиз, можароларсиз яшаётган бўлсам ҳам, лекин бу ерда ким учун, нима учун яшаб юрганимга ҳайрон эдим. Чунки азиз ёшларимда менга деярли бефарқ бўлиб қолганди. Ҳаётда аёл зотиға бундан ёмон ҳақорат-у, бундан ёмон азобнинг ўзи йўқ. Ота-онамникига келишга элу-халқдан уялдим. Нима қилишга бошим қотган, бу муаммони қандай ҳал қилишга ақлим етмасди. Бир кун унга: «Бунақа яшаш жонимга тегди. Ё ўзинг билан олиб кет, ё қандай олиб келган бўлсанг шундай ота-онамнинг олдига олиб бориб, сабабини ўз оғзинг билан тушунтирарсан», - дедим. У эса унисига ҳам, бунисига ҳам кўнмади. «Сабр қил, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, сен билан ҳеч қачон ажрасмоқчи эмасман», - деб тўғри олди. Мен ҳам ҳали туғилмаган гўдак ўз отасидан, ота меҳридан айрилишини истамай кўнишга мажбур бўлдим. Лекин ўша бўлғуси отанинг ҳаётида нимадир содир бўлаётганини ҳаракатларию узук-олук гапларидан сезардим. Қанча ҳаракат қилмай бир жўяли жавоб ололмасдим. Баъзи сабабларга кўра иш жойига бир-икки бординида ҳам: «Бундай излаб келиши яхши эмас», - деб бошқа бунақа қилишмаслигини сўради. У кишига бўлган ҳурматим туфайлими, ёки ортиқча гап-сўзлар бўлишини истамганимданми иш жойига қайтиб оёқ босмадим. Шу тариқа бир йил ўтиб, кеч қўзда мен она бўлдим. Менинг ҳаётимга овуноғим яхши кунларни олиб келадигандек эди. Афсус ҳаммаси мен уйлагандан бошқачароқ бўлиб кетди. Ўғлим икки ойлик бўлганде отасининг бўшқа-хотини ва ўғли борлигини билиб қолдим. Ўша

вақтдаги аҳволим фақат ўзимга аён. Ота-онасига (улар билган экан): «Нима учун буни мендан яширдилар, ўғилларингни уйлантириб, бир инсоннинг ҳаётини заҳарладилар», - деб йиғлаб юбордим. Улар эса: «Ўзидан сўра, биз уйлантираётганда билмаганмиз, кейин билдик. Бизга уни қизиги йўқ. Кўчадан келган бўлса, кўчада қолаверади. Биз барибир сени ва ўғлингни деймиз, у бир суяқоёқ аёл экан. Тўққан боласи ҳам Н. дан эмас, тўқмат қилиб кўрқитиб тегиб олган. Биз шу ерда, айланиб келади. От айланиб қозғини топади», - деб панду насихатлар билан ялиниб-ёлвориди.

Бу азобни душманимга ҳам раво кўрмасдим. Мабоодо кундошим донороқ, чиройлироқ бўлса, менда йўқ яхши фа-

вой солиб қақириб олди. Қайнонамни худди саҳнада рол бажарётгандек ҳолатда кўриб қотиб қолдим. Шу кун ҳам Н. мени четга қақириб яна ялинди. «Жанжал қилма, фойдаси йўқ, ўзим бир иложини топарман. Сен ҳозир отанинг-кида туриб тур», - деб жўнатди.


Кунлар... Ойлар... Кўз ёшлар... Умидлар... Барибир умидимни уза олмасдим. Қайнонам яна бир ўғлига келин олди. Яхши-ёмон бўлмаганмиз, тўйга айтар деб умид қилдим. Йўқ айтишмади. Шундан кейин қайнона-қайнотам набирани, эрим боласини деярли сўрамай қўйишди. Буларни эслаш, ёзиш менга жуда оғир. Бир ёшдан сал ошганде ўғлимни операция қилдириш зарурати туғилиб қолди. Самарқандга — вилоят болалар жароҳлик бўлимига бориб ётдик. Энди

Мен ҳам баъзан бундай яшагандан яшамай кўқолганим яхшироқ-ку, дейман. Аммо фарзандим учун, унинг эртаси учун яшашим керак, деган умид билан яшайман. Бу орада ўғлим яқинда икки ёшга тўлди. Ўйдагилар билан тўпганим кичик байрам қилиб турганди, қўтилмаганда бувисию, бобоси соғва-салом билан келиб қолишди. Шунангича ҳам аччиғим чикдики, соғвасини қўлига ушлатиб жўнатиб юборгим келди.

Онам ва опаларим ялиниб: «Ўйга келгани ит қопмас, ўзингни бос...» дейишгач ховуриمدан тушдим. Қайнонам мен билан қучоқлашиб қўришиб: «Кўнглим қолмагани, сену менга бормагандик, ўғлим аҳмоқ, иложим мана шу боласи отасига ўхшамасин», - деб йиғлади. Қани энди ўғлим на бувисига, на бобосига борса? Мен ушбу сўзларни уларни қоралаб ёки айблаб ёзмокчи эмасман. Тўғри, ўзим ҳам хато қилгандирман. Билиб-билмай қилган хатоларимни эса тўрилашга имкон қилардим. Лекин бунинг удрасидан бир ўзим чиқа олмасдим. Бу менга боғлиқ эмасди. Инсон қоқилиб, сурилиб яшаса ҳам яхши кунларга умид қиларкан. Шундай ҳолатларда кўпроқ қизлик даврим тез-тез ёдимга тушиб туради. Баъзи эр-хотинлар ажрашиб кетганларида, уларнинг кўзларидаги мунг, маъсусликдан юрагининг тўб-тубида нимадир узалиб кетгандек бўларди. Шундай лаҳзаларда бўлардим, «Нима учун болаларни ярим етим, тирик етим қилиб қўйишаркан, бу катталар», - деб. Мана энди вақтлар ўтиб, замонлар ўтиб бу саволларга озгина жавоб толгандек бўламан. Кимдир менга ўхшаб фарзандини ота ёки онанинг иссиқ бағрига қайтаришга ожиз. Озми-кўпми қилган хатоларини тўғрилашга йўл топа олмайд. Кимдир худбин, энг биринчи ўринда ўзини яхши кўради. Ҳузур-халоватини мурғак фарзандидан устун қўя олади. Ҳаром нима, ҳалол нима фарқламайди.

Энди шу фурсатдан фойдаланиб-бу

ҚАЙТА БАҲОР КЕЛАР,



ЕР БЎЛАР ЧАМАН...

зилатларни ундан топа олган бўлса-чи? Мен Н.нинг иш жойига билдирмасдан бориб, унинг кимлигини сўраб-суришгандим. Айтишларича, ўша фариштанинг исми Алла бўлиб, ўзи бир суяқоёқ экан. Унинг ўғли Алишер, менинг Ғанишеримдан атиги бир неча ойлик катта бўлиб, Алла бир неча марта Н.нинг иш жойига бориб жанжал-тўпалон кўтарибди. Қорнидаги бола уники эканлигини даъво қилиб тегиб олган экан. Менинг энг катта хатоим Н. билан қонуний никоҳдан ўтишга улгурмаганимиз, бу ишда лоқайдлик қилганим бўлди. Ўзимнинг ота-онамни қақириб ҳамда қайнона-қайнотам олдида Н.ни ҳам қақириб бор гапни айтишдан ўзга чорам қолмаганди. Н. эса: «Иккови билан ҳам яшайман. Алла билан шаҳарда, буниси билан кишлоқда тураман. Ҳозир шундан бошқа нарсига қурбим етмайди, бошқа иложим ҳам йўқ», - дейишдан нарига ўтмади. Мени ўз қизидай кўрадиган қайнонам эса, ўғли ёнини олиб: «Ҳоҳласанг шу, хоҳламансанг катта кўча. Кундош кундошга пахта отади, пешонангдан кўр», - деди. Қўлларимга ишонмайман. Қайнотам — оила бошлиғи эса бир сўз дейилмасдан ерга қараганча ўтираверди. Бундай хиёнатни, бу ҳўрликни, бунақа оёқ ости бўлишни ортиқ кўтара олмасдим. Дадам: «Қизим, ўзинг ҳал қил, бу сенинг ҳаётинг, нима бўлганди ҳам ўйлаб иш қил. Кейин пушаймон қилиб юрма», - деб масхалат қилди. Мен эса икки ойлик қақалоғимни олиб ота уйимга қайтдим. Уларнинг хизматларини қилиб тоганим шу ҳўрлик, хиёнат бўлса, энди бу ҳолатда яшай олмасдим. Қайнона ва қайнотамнинг, эримнинг кетма дейишларига қарамай ҳамма нарсанимни йиғиштириб уйимга кетдим. Мендан сўнг эрим ўша хотинини уйига етаклаб олиб кела бошлади. «Қани қанақа экан», - деб ўғлимни кўтариб бордим. Мен келин бўлиб тушган уйда қайнонам билан келини ўтирарди. Мен тўғри кириб бориб: «Қани бир кўрай деб келдим, қанақа фаришта экан», - дейиш биланок қайнонам ўғлини нариги томондаги уйдан бақириб-қақириб, Дод-

бағридан, ота меҳридан айри яшаши мени азобларди. Тўғри, болам бу ерда ҳеч нимадан зорикмайди. Дадам ҳам, онам ҳам ҳар иккалаимизни авайлашарди. Лекин бола учун болалик ва ёшлик чоғлари, ота-она бағридан, меҳридан кўра иссиқ бир макон йўқлигини ич-ичимдан сезиб тураман. Ўз жигарбанди касалхонада ётганида бир марта хабар олишга ярамайдиган отадан яна нима куттиш мумкин? Шу ўйлар билан алам устида турмуш кўрдим. «Биринчи бахт ой бахтинг, иккинчи бахтинг сойга оқдинг», - деб тўғри айтишар экан. Мен ўзим билан ўғлимни ҳам олиб кетдим. Ўзим кўника олмайман, бунинг устига ўғлим ҳам кўнмайди. Мурғак қалби, митти юракчаси билан бегона билади. Уни қўйиб бир иш қила олмайман. Шунча азоблар-у, ташвишлар билан турардим. Энди нима бўлса чдаб яшашим, ўтмиш такрорланмаслигини, ҳаммаси яхши бўлишини ўйлардим. Кўникшим қийинлигини анча кеч сезиб қолдим. Шундай бўлса-да, ўзимни мажбур қилиб яшайвердим. Лекин Худо шуни ҳам кўп кўрди, шекили икки ояча яшаганимиздан сўнг эрим узокроқ бир жойга ишга кетди. Бир ойдан кейин ёнидаги ҳамроҳлари қайтиб келди. Нимадир бўлгандек безовта эдилар. Асабийлашар, менинг олдимда жим бўлиб қолишарди. Охир айтишга мажбур бўлди. Эримнинг қамалиб қолганини, балки чиқиб келиши мумкинлигини-ю, яна кўп нарсаларни гапирдилар. Қамалиш сабабини ёзишни лозим топмадим. Ҳатто судга мени олиб боришни лозим ҳам деб топилмади. Бу воқеалардан кейин эса, эркак зотиға бўлган ҳурматим, қадрлашим, нимаики яхши муносабатларим бўлса ҳаммаси нафратга айланди.

Тақдир мени яна ота-онамникига қайтишга мажбур қилди. Йиғладим, сиктадим, бош кўтариб кўчага чиқа олмай қолдим. Одамларнинг кўзига қўринишга уялардим. Вақт олий ҳакам, аста-секин кўника бошладим. Яхши ҳам қасбим, ўғлим — овуноғим бор. Қалбимдаги жароҳатлар битаётгандек, лекин улардан қолган из, чандик умрбод қолса керак.

дил изҳоримни ҳурматли Н. ҳам ўқиб қолса унга ҳам айтидиган баъзи гапларим бор эди. «Мана, ўғлингиз ҳам уч ёш бўлиб қолди. Сиз ҳақингизда кўп сўрайди. Баъзи саволларига жавоб толаман, баъзиларига эса нима деб вақт беришни билмайман. Сиз ҳақингизда бўлган, бўлмаган гапларни айтиб пок қалбини заҳарламоқчи эмасман. «Отамга олиб бориб, отамни кўраман, отам келсин», - деган ҳар хил қилиқлар, харашалар қилди. Кўчада қўшни болалар шардан келаётган оталарининг олдига қараб чопганини кўрса: «Н. отамга олиб бориб, ая», - деб йиғлаб олдимга келади. Боланг излаганини, сўроқлаганини топа олмай мунгайганини кўришдек азобдан Худонинг ўзи асрасин экан. Сизга буларни феъл атвориди, юриши, ухлашигача худди ўзингизга қўйиб қўйгандек ўхшайдиган фарзандингиз, жигаргушангиз тенгдошлари орасида нимасидир ҳам бўлиб ўсаётганини билишингиз учун ёзаяпман. Балки сизнинг ҳам кўксингизда уриб турган юрагингиз бир муддатга оғри, илоҳим Худойим сизга ҳамма нарсани тўқис қилсин-у, аммо Ғанишердек ўғлингизни сиздан узоқларда ўқиб яшаётганини ҳаммаша билдириб турсин. Кунлар ўтар, тақдиримиз қандай бўлишини қатъи назар, Ғанишерни пайти келганда соғинадиган, эслайдиган бўлиб қоларсиз ўшанде кеч бўлади. У пайт ўғлингиз қўйиб қўйгандек сизга ўхшаган йигит бўлиб қамолга етган бўлади...

Вақт ҳамма нарсани даволайди, дейдилар. Ўғлимнинг беғубор болалиги ҳам йиллар оро ортада қолаятти. Эрим номардлик қилган бўлса-да, унинг пушти қамаридан бўлган боламни жонимдан ортиқ кўраман. Бир кун қўлимга мана шу шеър тушиб қолди, ёдлаб олгандим: Мухтасар сўзим шу:

Сен она бўлсанг,
Номарднинг боласин ташлама синглим.
Қайта баҳор келар, ер бўлар чаман.
Жийдалар гуллайди сўлим ва сўлим,
Отасининг ёмон кўни боладан,
Яхши кўнлар бўлиб қайтсин, эй синглим.



римга қарасам, 32 йиллик ижодий ҳаётим мен учун ниҳоятда камдек туюлади. Ёзгим келаверади. Баъзан ярим туш уйғониб кетаманда, ёзишга тушаман... Бир новелла устида бошлаган ишимни ҳозиргина тугатдим...

- Сир бўлмаса, у нима ҳақда...

- Бир аёл касалхонадалигида болалари орқасидан кўргани келмай, аёл ёнидаги шериклари олдида жуда хижолат тортади, эзилади. Кунлар ўтаверади. Ҳар гал шерикларининг фарзандлари кўргани келганда аёл тортатиган азоб, изтироблар... Ўзига таскин бериш, ёнидагиларнинг гап-сўзларидан қочиш учун ўзи бозор-

- Ижодкор учун оила, фарзанд тарбиясига вақт топиш жуда мушкул, шундай эмасми?..

- Бу мушкулот болаларимга бўлган меҳр билан қоришиб кетган. Улар ҳар доим менга мададкор, суянчиқ ва албатта умрим мазмуни бўлган. Ўғлим Анвар - медицина соҳасида ишлапти, икки қизим — Луиза ва Лайло санъат соҳасида. Уларнинг ютуқларини кўриб бир қувонсам, набираларимни кўриб минг қувонаман.

- Мутахассис сифатида ҳозирги замон кўшиқчилигини кузатиб бораётган бўлсангиз керак. Клиплар, ҳар хил поп, рэп деганлари чиқиб қолган...

- Телевизорни қўйсам ҳам, радио

- Самимийлик, камтарлик, меҳнат-севарлик кишига гўзал бир либосдир. Умрим бўйи турли тоифадаги кишилар билан ишладим, улар орасида яшадим. Инсоннинг яхши томонларинигина эмас, уларнинг камчилиги, қусурларини ҳам қабул қила олиш керак. Қалб қудратига, айниқса, аёл қалбига таъриф йўқ. У ҳар қандай шодликни, қайғуни, хиёлати алдовларни кўтара олади...

Мени баъзи инсонларни майдалашиб, ҳаётда ўз ўрнини топа олмай, бурч, масъулият, ғайрат деган ноёб фазилатларни унутиб, аёлларга рўзгорнинг оғирини юклаб қўётган

Оиламиз меҳмони

Зебо СОЛИЕВА:

КўНГЛИНГИЗДА АРМОН БЎЛМАСИН

Зебо Солиеванинг хонадонига борар эканман, йўл-йўлакай гапни қайси мавзудан бошлашимни ҳаёлан режалаштириб бордим.

Биз севиб тинглайдиган "Табассум" радиожурнали бошланиши билан янграйдиган мусиқа ҳаммамизга таниш. "Феруза" мусиқаси. Зебо Солиева танлаган мусиқа... Шу ҳақда бошласаммикан суҳбатни, ёки телевидениедаги биринчи ўзбек аёл режиссёри бўлганлигидан гап очсаммикан? Йўқ, яхшиси Зебо Солиева ташкил этган "Дугоналар" радиожурнали ҳақида савол бераман. "Куйланг, ёш хонандалар", "Мархабо, талантлар" телетанловини ташкил этишда жон куйдиргани тўғрисида сўраганим маъқулроқмикан...

Ниҳоят аянинг шинамгина, батартиб безатилган уйидаман.

- Ҳалиям ёзиб турасизми? - стол устидаги қоғозларни назарда тутган ҳолда сўрадим мен.

- Жоним қизим, ортимга — ўтган ум-

ўчар қилиб келиб: "Болаларим кўргани келишди, иши кўп экан, пастдан келиб-кетди", - дейди... Умуман ёзаётганим одамлар орасида тансиқ бўлиб кетган оқибат, айниқса, қари-гандан кейин фарзандларнинг ота-онасига бўлган муносабати тўғрисида.

- Зебо ая, сизни билганлардан, жуда фаол ва жонқуяр ижодкор бўлганингизни кўп бора эшитганман, ижодий машаққатларни кўп чеккан вақтларингизда ўз ҳунарингиздан воз кечишни ўйлаганмисиз ҳеч?

- Мен машаққат чекканман, деб айтмайман. Чунки ўз касбини астойдил севган кишига қийинчиликлардан сўнг, меҳнат самарасини кўриб роҳат олиш... Ҳеч нарсига алишиб бўлмайдиган хордиқ бу...

Таскинни, хордиқни ижоддан топардим.

мурватини қайси каналга бурасам ҳам "Сен кетдинг, мен қолдим" қаби-лидаги енгил-елли кўшиқлар берилади. Фонограмма, турли электр асбоблар орқали зўрма-зўраки кўшиқ ай-тиш...

Эсимда, "Мархабо, талантлар", "Куйланг, ёш хонандалар" телетанловига хонандаларнинг жонли овозда куйла-ни, шеърларнинг мазмунига жуда катта эътибор бериларди. Матлуба Дадабоева, Махбуба Ҳасанова, Ўлмас Саиджонов, Муножот Йўлчиева, Султонпошша Ўдаева... Булар ўша танловлар ичида сараланган эдилар... Энди ҳулосани ўзингиз чиқариб олаверинг. Миллий рух, халқ кўшиқлари йўқол-маслиги керак... Ёш хонандалар шеър мазмуни, мусиқа, этикага ҳам эътибор берсалар мақсадга мувофиқ бўлар-ди...

- Зебо ая, нималарни қадрлайсиз, нималардан кўнглингиз тўлмайди?

лиги ўйлантиради.

- Ая, сизда ҳам армон борми?

- Армон... Қачонки орзу ўз ўрнини армонга бўшатиб берса, бу инсонда ўсиш тўхтаб қолади. Ишонч, умид ўлмаслиги керак. Одамда ҳамма нарса ўз шакли шамойилини ўзгартиради. Ёшлик, тетиклик чекинади. Фақат бир нарса ўзгармас — КЎНГИЛ. У — вафодор инсонга... Ана шу кўнглининг сўзига қулоқ соламан баъ-зан. Яна қайтиб ўз севган касбимда ишлашни, яна ўша захмат, машаққат орқасидан келадиган роҳатни тувай-ди у... Умримнинг қолганини ижод-га, айтиш жоиз бўлса — беҳаловат-лика бағишлашни истайман. Бу ар-мон эмас, орзу...

- Суҳбатингиз учун ташаккур, орзу сизни ҳеч қачон тарк этма-син.

Хулқар ҲОТАМБОВЕВА
суҳбатлашди



ҲАЗИЛ

Не-не йигитларни кўрдим мен чунон,
Чакқон эдилар-у суҳандон эди.
Наримон ҳеч кимдур алар қошида,
Рустами дostonдан дучандон эди.
Ҳаёт фалсафасини Сукротдек ичиб,
Кайфида Ҳайёмдек шўх-хандон эди.
Лек дўстлар, бир мантқиқ қошида маням
Бу ақлим лол эди, ҳам ҳайрон эди:
Хотин ҳийласининг қошида шулар,
Уч ёшли боладек бир нодон эди.

АЁЛ БЎЛМАСА...

Осмон чок-чокидан сўкилиб кетар,
Юлдузлар самодан тўкилиб кетар,
Бу гўзал ашўрлар тўкилиб кетар,
Агар бу дунёда аёл бўлмаса.

Ҳаётдан маъно-ю мазмун йўқолар,
Юрак танҳоликнинг куйини чолар,
Байрамлар байрамга ўхшамай қолар,
Агар бу дунёда аёл бўлмаса.

Мен ҳам бу даврада бўлолмас эдим,
Давра не, дунёга келолмас эдим,
Дунёнинг борлигин билолмас эдим,
Агар бу дунёда аёл бўлмаса.

Аёлдан туғилар Наби, Расул ҳам,
Ким илоҳ дамидан бўлса, гар ул ҳам,
Гар аёл бўлмаса фараҳ бермагай,
Наво ҳам, нақш ҳам, булбул ҳам, гул ҳам.

Ҳарир... жуда ҳарир бу либос,
Ҳарир сийматини чирмаган.
Бундай вужуд Хито мулкида,
Фарҳоднинг тушига кирмаган.

Ул ўтар йўлларида кўзголар,
Ҳайрон кўнглиларинг ох, ововлоси,
Рашк этар, ёрини қизғонар,
Вомиянинг Узроси, Қайснинг Лайлоси.


САТНАН

Шул шингарф ёноклар, ақиқ дудоклар,
Ҳайф сизга, мрамторш юракки гўзал.
Тошга қанча сайқал бергани билан,
Муҳаббат беролмас нақшош ҳеч маҳал.

Бу кўзлар агар-чи фаттон, жилвакор,
Лекин жазб этолмас, жозиба йўқдир.
Ишқ излаб тўрт томон бокманг телбавор,
Кўрмайсиз, кўнглингиз кўзи юмукдир.

ОРИФ ҲОЖИ

Самарқанд



ҚУТЛУҒ ЁШ ОСТОНАСИДА

Бу йил, яъни «Қарияларни қадрлаш йили»да — 20 май-да 60 ёшга тўламан. Фарзандларимнинг уч нафари шифокор, бири санъаткор, бири ўқитувчи. 5 нафар неваранинг сеvimли бувижонисиман. Турмуш ўртоғим Мухтор-жон Сотволдиз шифокор — жарроҳ. 1959 йилдан буён бадий ижод билан шуғулланаман. Куйидаги шеърларим-ни юртдошларим диққатига ҳавола этгим келди.

ЎЗБЕКИСТОН, ФАҲРИМСАН МЕНИНГ

Жаннатмакон бир боғи жонон,
Онамдайин суюк меҳрибон,
Сени жондан суяман инон,
Ҳам кўҳнасан, ҳам ёш, навиқирон,
Ўзбекистон, фаҳримсан менинг!
Мустақиллик бизга эрк берди,
Эл суюниб кўкрагин керди,
Ва хурлиқнинг мевасин терди,
Ахир олдин тобе, кул эрди,
Ўзбекистон, фаҳримсан менинг!
Фарзандларинг хорижда юрар,
Тилмоч кутмай суҳбатлар қураб,
Байроқларинг хилпираб турар,

Мадҳиянг ҳам дадил бонг урар,
Ўзбекистон, фаҳримсан менинг!
Гарчанд қиров тушса сочимга,
Афсусланма қараб ёшимга,
Синаб, қойил қолгин дошимга,
Қўтараман сени бошимга,
Ўзбекистон, фаҳримсан менинг!
Дилда беҳад орзу таманно,
Рағбат берсанг, балли, тасанно,
Маърифатинг касб этди маъно,
Мадҳинг куйлаб, сафдадир Раъно,
Ўзбекистон, фаҳримсан менинг!

КИЗЛАРИМГА

Қизим, ўқишдасан, мендан йироқда,
Соғиниб кўмсайман, тушлар кўраман.
Сумбул сочларингни эҳтиётла деб,
Хатто ҳаёлимда силаб ўраман.
Ҳавасга ортиқча эрк бериб шошма,
Мақру кўпалардан ўзингни сақла.
Сўқмоқ қўл, йўллар кўп, юру адашма,
Онанг ишончини ҳамиша оқла.

Ха, ҳаёт йўллари сўнгсиз, мураккаб,
Дуч келиб қолади яхши-ю, ёмон.
Биров гул тутади тиканга ўраб,
Бирови чин дўстдай борар ёнма-ён.
Адашма йўлингдан, йўлдошингдан ҳам,
Ҳаёт гаваҳарини доим ардоқла.
Қўлкадай қалқима, бўлма хира шам,
Камол топ, юлдуздай чакна, чарақла.

Раънохон ЖУМАНИЕЗОВА
Булоқбоши тумани

Оила ва жамият

Муаллиф фикри тахририят нуқтан назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлбазмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарил-майди, ёзма жавоб қилинмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Айор Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо-наси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»
Акционерлик компанияси**

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида
№ 33 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г - 3126. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобқ.
Баҳоси эркин нархда. Адади — 3183

Саҳифаловчи — **Жаъфар ЖАББОРОВ.**

Рассом — **Набижон ХОЛМУРОДОВ.**

Навбатчи — **М. СОДИКОВ.**